



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ЗООЛОГЛАР
ЖАМИЯТИ**

**АКАДЕМИЯ НАУК
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ИНСТИТУТ ЗООЛОГИИ
ЗООЛОГИЧЕСКОЕ ОБЩЕСТВО
УЗБЕКИСТАНА**

**IV RESPUBLIKA ИЛМИЙ-
АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
(17-18 ноябрь, 2022 йил)**

**МАТЕРИАЛЫ IV
РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ
(17-18 ноября 2022 года)**

**«ЎЗБЕКИСТОН
ЗООЛОГИЯ ФАНИ:
ҲОЗИРГИ ЗАМОН
МУАММОЛАРИ ВА
РИВОЖЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ»**

**«ЗООЛОГИЧЕСКАЯ
НАУКА УЗБЕКИСТАНА:
СОВРЕМЕННЫЕ
ПРОБЛЕМЫ И
ПЕРСПЕКТИВЫ
РАЗВИТИЯ»**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ЗООЛОГЛАР ЖАМИЯТИ
АКАДЕМИЯ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ИНСТИТУТ ЗООЛОГИИ
ЗООЛОГИЧЕСКОЕ ОБЩЕСТВО УЗБЕКИСТАНА**

**«ЎЗБЕКИСТОН ЗООЛОГИЯ ФАНИ:
ҲОЗИРГИ ЗАМОН МУАММОЛАРИ ВА
РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»
IV РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
(17-18 НОЯБРЬ, 2022 ЙИЛ)**

**«ЗООЛОГИЧЕСКАЯ НАУКА УЗБЕКИСТАНА:
СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ И
ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ»
МАТЕРИАЛЫ IV РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ
КОНФЕРЕНЦИИ
(17-18 НОЯБРЯ 2022 ГОДА)**



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти давлат корхонаси
Тошкент – 2022

ОЁҚОҒИТМА КЎЛИ ИХТИОФАУНАСИНING ШАКЛЛАНИШИ

Шамсиев Н.А.¹, Мирзаев У.Т.²¹Бухоро давлат университети, E-mail: shams.naim@mail.ru²ЎзР ФА Зоология институти, E-mail: utmirzaev@mail.ru

Annotation. The article presents data on the species composition and ways of formation of the Ichthyofauna of Lake Ayakagitma in the basin of the lower reaches of the Zaravshan River. The composition of fish includes 27 species belonging to 4 orders, 7 families and 26 genera. It has been established that the Ichthyofauna of Lake Ayakagitma was formed at the expense of fish from the Zaravshan and Amu Darya rivers.

Оёқоғитма кўли Кулжуктоғнинг жанубий этаги билан Зарафшон дарёси водийси орасидаги Оёқоғитма ботиғида, Бухоро вилоятининг шимоли, Шофиркон ва Ғиждувон туманлари территориясида жойлашган бўлиб, 1985-1986 йилларда Оғитма коллектори орқали келадиган оқава сувлар, ҳамда баҳор ва қиш фаслларидаги ёгингарчиликлар ҳисобидан ҳосил бўлган. Кўлга 2000 йилгача Зарафшон дарёсининг қолдиқ сувлари Оғитма ва Шофиркон коллекторлари орқали келиб тушган. Сўнгра кўлга Шофиркон, Оғитма коллекторлари ва Шўркўл канали орқали ташланма сувлар келиб қуйилган. 2010 йилдан бошлаб Шўркўл каналидан сув келиши тўхтаган. Шўркўл каналидан Оёқоғитма кўлига 1980-2000 йилгача 12 м³/сек. сув тушган бўлса, 2010-йилдан сўнг бор-йўғи 0,8-1,2 м³/сек сув тушиши кузатилган.

Оёқоғитма кўли шарқдан ғарбга томон чўзилган бўлиб, Оғитма жарлигини эгаллайди. Кўлнинг узунлиги 15-20 км, энг кенг қисми 8 км, ўртача кенглиги 5 км ни ташкил этади. Кўлнинг майдони 110-115 км² ни, сув ҳажми 1,0-1,2 млрд/м³ ни, сув юзасининг айланаси эса 75 км ни ташкил этади. Кўлнинг максимал чуқурлиги 40-45 м, ўртача чуқурлиги эса 8-10 метрдан иборат бўлиб, чуқурлиги жиҳатдан қуйи Зарафшон сув ҳавзалари орасида энг чуқури ҳисобланади (Абдуллаев, Сайфуллаев, 1995; Мирзаев, Шамсиев, 2008; Ўзбекистон миллий энцикл. ..., 2003).

Зарафшон дарёси қуйи оқими ихтиофаунасига оид илк маълумотлар Л.С. Берг (1929) томонидан келтирилган бўлиб, унда 13 тур балиқнинг тарқалганлиги қайд этилган.

Зарафшон дарёси қуйи оқими сув ҳавзалари ихтиофаунаси бўйича тўлиқ маълумотлар М.А. Абдуллаев (1969), М.А. Абдуллаев, Д.У. Урчинов (1989) тадқиқотларида келтирилган.

Оёқоғитма кўли ихтиофаунаси бўйича маълумотлар жуда кам бўлиб, асосан М.А. Абдуллаев, Г.М. Сайфуллаев (1995), М.А. Абдуллаев ва бошқ. (2003) нинг ишлари билан чеклангандир, унда Оёқоғитма кўлининг ихтиофаунаси 15-20 тур балиқдан иборат эканлиги келтириб ўтилган.

Материал ва методлар. Оёқоғитма кўли ихтиофаунаси бўйича тадқиқот ишлари ва материалларни тўплаш 2010-2021 йилларда баҳор, ёз, куз ойларида катакчалари 24-100 мм, узунлиги 25-50 м бўлган турли хилдаги балиқ овлаш тўрлари ёрдамда амалга оширилди. Материалларни йиғиш ва қайта ишлаш умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида амалга оширилди (Правдин, 1966). Балиқларнинг тур таркиби ва турга мансублиги Л.С. Берг (1948, 1949) бўйича аниқланди.

Натижалар ва муҳокама. Биз томондан олиб борилган тадқиқотлар натижасида, ҳозирги вақтда Оёқоғитма кўлининг ихтиофаунаси 4 туркум, 7 оила, 26 уруғга мансуб 27 турдан (кенжа турлар билан) иборатлиги аниқланди (жадвал).

Оёқоғитма кўлининг ихтиофаунаси таркибидаги балиқларнинг 14 турини маҳаллий балиқлар (шундан 10 таси эндемик турлар), 13 турни инвазив (иклимлаштирилган ёки иқлимлаштириш жараёнида тасодифан келтирилган) балиқлар ташкил қилади.

Оёқоғитма кўлининг овланадиган ихтиофаунаси 13 турдан иборат. Кўлда асосан лимнофил ихтиофауна шаклланган. Балиқ овининг асосини 6 турдаги балиқлар (*Carassius auratus*, *Cyprinus*

carpio, *Abramis brama orientalis*, *Alburnus chalcoides aralensis*, *Sander lucioperca*, *Rutilus aralensis*) ташкил этади.

Ихтиофауна таркибидаги 2 тур (*Luciobarbus conocephalus*, *Sabanejewia aralensis*) Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига (2019) киритилган турлар қаторига киради.

Жадвал

Оёқоғитма кўли ихтиофаунасининг турлар таркиби

Т/р	Оила, тур, кенжа тур	Оёқоғитма кўли		
		I	II	III
CYPRINIDAE				
1	<i>Rhodeus ocellatus</i> (Kner, 1866)	-	-	T, 3
2	<i>Capoeta capoeta steindachneri</i> (Kessler, 1872)	+	-	Э, 3
3	<i>Luciobarbus conocephalus</i> (Kessler, 1872)	+	+	Э, ҚҚ, 3
4	<i>Ctenopharyngodon idella</i> (Valenciennes, 1844)	+	+	И, А
5	<i>Hemiculter leucisculus</i> (Basilewsky, 1855)	-	-	T, А
6	<i>Carassius gibelio</i> (Bloch, 1783)	+	+	И, 3
7	<i>Cyprinus carpio</i> (Linnaeus, 1758)	+	+	+3
8	<i>Abbottina rivularis</i> (Basilewsky, 1855)	-	-	T, 3
9	<i>Gobio lepidolaemus</i> (Kessler, 1872)	-	-	Э, 3
10	<i>Pseudorasbora parva</i> (Temminck et Schlegel, 1846)	-	+	T, 3
11	<i>Abramis brama orientalis</i> (Berg, 1949)	+	+	И, А
12	<i>Alburnoides holciki</i> (Coad et Bogutskaya, 2012)	+	+	+3
13	<i>Alburnoides taeniatus</i> (Kessler, 1874)	+	+	Э, 3
14	<i>Alburnus chalcoides aralensis</i> (Berg, 1923)	+	+	Э, 3
15	<i>Aristichthys nobilis</i> (Richardson, 1845)	-	-	И, А
16	<i>Hypophthalmichthys molitrix</i> (Valenciennes, 1844)	+	+	И, А
17	<i>Aspius aspius iblioides</i> (Kessler, 1872)	+	+	Э, А
18	<i>Aspiolucius esocinus</i> (Kessler, 1874)	-	+	-
19	<i>Rutilus aralensis</i> (Berg, 1916)	+	+	Э, 3
20	<i>Pelecus cultratus</i> (Linnaeus, 1758)	+	+	+А
COBITIDAE				
21	<i>Sabanejewia aralensis</i> (Kessler, 1877)	-	-	Э, ҚҚ, 3
22	<i>Nemachilus oxianus</i> (Kessler, 1877)	-	+	Э, 3
23	<i>Paracobitis longicauda</i> (Kessler, 1872)	-	+	Э, 3
SILURIDAE				
24	<i>Silurus glanis</i> (Linnaeus, 1758)	+	+	+3
POECILIIDAE				
25	<i>Gambusia holbrooki</i> (Girard, 1859)	-	+	И, 3
PERCIDAE				
26	<i>Sander lucioperca</i> (Linnaeus, 1758)	+	+	И, А
ODONTOBUTIDAE				
27	<i>Micropercops cinctus</i> (Dabry de Thiersant, 1872)	-	-	T, 3
GOBIIDAE				
28	<i>Rhinogobius brunneus</i> (Temminck et Schlegel, 1845)	-	+	T, 3
Турларнинг умумий сони		15	20	27
Маҳаллий турларнинг сони				14
Эндемик турларнинг сони				10

Иқлимлаштирилган турлар сони			7
Тасодифан келтирилган турлар сони			6
Қизил китобга киритилган турлар сони			2
Амударёдан ўтган турлар сони			8
Зарафшон дарёсидан ўтган турлар сони			19

Изоҳ: I – М.А.Абдуллаев, Г.М.Сайфуллаев (1995) маълумотлари, II – М.А. Абдуллаев ва бошқ. (2003) маълумотлари, III – Бизнинг маълумотлар (2010-2021 йиллар ҳолати бўйича); + – маҳалий турлар, И – иқлимлаштирилган турлар, Т – тасодифан келтирилган турлар, Э – эндемик турлар, ҚК – Қизил китобга киритилган турлар, А – Амударёдан ўтган турлар, З – Зарафшон дарёсидан ўтган турлар.

Илгари М.А. Абдуллаев ва бошқ. (2003) томонидан Оёқоғитма кўли ихтиофаунаси учун келтирилган Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган 1 тур – Чўртансифат оққайроқ (*Aspiolucius esocinus*) ҳозирда учрамаслиги аниқланди.

Тадқиқотларимиз натижасида Оёқоғитма кўли ихтиофаунаси таркибида аниқланган 27 тур балиқлардан 7 турини – *Hemiculter leucisculus*, *Gobio lepidolaemus*, *Abbottina rivularis*, *Aristichthys nobilis*, *Rhodeus ocellatus*, *Sabanejewia aralensis*, *Micropercops cinctus* ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган *Sabanejewia aralensis* биринчи марта қайд этдик.

Хулосалар. Оёқоғитма кўлининг ихтиофаунаси 4 туркум, 7 оила, 26 уруғга мансуб 27 турдан (кенжа турлар билан) иборатлиги аниқланди. Оёқоғитма кўли ихтиофаунаси таркибидаги 27 тур балиқдан 8 тури Амударёдан Аму-Бухоро канали орқали Шўркўл сув омборига, сўнгра сув омборидан сув чиқарувчи канал билан Оғитма коллекторига ва шу коллектор орқали Оёқоғитма кўлига ўтган бўлса, 19 тури Оғитма коллектори ва Зарафшон дарёсидан Оғитма коллекторига қўшилувчи канал орқали ўтганлиги аниқланди. Айтиш жоизки, 2010 йиллардан бошлаб сувнинг Шўркўл сув омборидан сув чиқариш канали орқали Оёқоғитма кўли томон чиқарилиши тўхтатилган. Умуман олганда Амударё ва Зарафшон дарёлари балиқлари Оёқоғитма кўли ихтиофаунасини шаклланишига замин бўлган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев М.А. Биологические основы рационального рыбного хозяйства водоёмов пустынной зоны Узбекистана в условиях ирригационного строительства (на примере речных бассейнов Бухарской и Кашкадарьинской областей): Автореф. дисс. ... д-ра биол. наук. – Ташкент, 1969. – 71 с.
2. Абдуллаев М.А., Урчинов Д.У. Промысловые рыбы водоемов низовьев р. Зарафшан. – Ташкент: Фан, 1989. – 72 с.
3. Абдуллаев М.А., Ниезов Д.С., Сайфуллаев Г.М., Шамсиев Н.А. Кадастр естественных озер юго-западного Кизилкумов и возможности их использования в рыбохозяйственных целях // Экологические проблемы нижнего Амударьинского региона Средней Азии: материалы республиканской конференции. – Бухара, 2003. – С. 26-29.
4. Абдуллаев М.А., Сайфуллаев Г.М. Ихтиофауна озер Аяк-Агитма // Организм и среда: материалы докл. второй респ. симпозиума, Ташкент, 21-22 декабря. – Ташкент: Фан, 1995. – С. 93-94.
5. Берг Л.С. Заметки о рыбах нижнего Зеравшана // Ежегодник Зоол. музея АН СССР. – Л.: Изд-во АН СССР, 1929. Т. XXX, вып 2. – С. 177-175.
6. Берг Л.С. Рыбы пресных вод СССР и сопредельных стран. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1948. Ч.1, Ч.2. – 468; 995 с.
7. Берг Л.С. Рыбы пресных вод СССР и сопредельных стран. – М.-Л.: Изд. АН СССР, 1949. Ч.3. – 1331 с.
8. Мирзаев У.Т., Шамсиев Н.А. Промысловые рыбы оз. Аякагитма // Вестник НУУз. – Ташкент: Университет, 2008. № 4. – С. 104-105.
9. Правдин И.Ф. Руководство по изучению рыб. – М.: Пищевая промышленность, 1966. – 375 с.

10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд, Мийи-Порхиш. Таҳрир ҳайъати А.Абдувоҳитов, А.Азизхўжаев, М.Аминов, Т.Даминов ва б. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. – Б. 462 (704 б.).

11. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. – Тошкент: «Chinor ENK» экологик-ноширлик компанияси, 2019. II жилд. Ҳайвонлар. – Б. 105-126.

УЎК 597.554.3

ТУЗКОН КЎЛИДА ОРОЛ ЧАВОҚБАЛИҒИНИНГ ЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Қуватов А.Қ., Намозов С.М.

ЎЗР ФА Зоология институту, e-mail: asqarquvatovxabb@mail.ru

Annotation. The paper presents data on the growth and fertility of the Aral roach (*Rutilus aralensis*, Berg, 1916) in the Tuzkon lake of the Aidar-Arnasai system of lakes. The age, fecundity (IAP, IOP) as well as the relationship between the length and weight of the roach were studied.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожлантиришдаги долзарб муаммолардан бири сув ҳавзаларидаги балиқ ресурсларининг замонавий ҳолати ва заҳирасини аниқлаш ҳисобланади. Охириги йилларда балиқларнинг ўсиши ва ҳажмини аниқлаш муаммоси тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу жумладан Айдар-Арнасой кўллар тизимида овладиган балиқ турларининг экологик хусусиятларини ўрганиш муҳим илмий-амалий вазифалардан ҳисобланади.

Орол чавоқбалиғи (*Rutilus aralensis* Berg, 1916) Ўзбекистоннинг барча текислик сув ҳавзаларида кенг тарқалган бўлиб (Аманов, 1985; Камиров, 1973), Айдар-Арнасой кўллар тизимининг барча қисмларида шу жумладан, Тузкон кўлида ҳам бизнинг назорат овларимизда сон жиҳатидан бошқа балиқ турларига нисбатан кўп миқдорда овланди.

Материал ва методлар. Илмий тадқиқот ишига материал сифатида Айдар-Арнасой кўллар тизими Тузкон кўлидан 2022 йил март-апрель ва июль ойларида овланган чавоқбалиқлар хизмат қилди. Материалларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш умумий қабул қилинган ихтиологик методларга мувофиқ амалга оширилди (Правдин, 1966; Спановская, Григораш, 1976).

Натижалар ва муҳокама. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасига кўра, Тузкон кўлида тана узунлиги 9,5-23,5 см, оғирлиги 10,2-285,9 г бўлган 1+ - 4+ ёшдаги орол чавоқбалиқлари устида текширишлар олиб борилди (1-жадвал). Назорат овларида овланган орол чавоқбалиғи тўдасининг асосий қисмини 1-2 ёшли балиқлар (60-65%) ташкил этди.

Тузкон кўлидаги *Rutilus aralensis*нинг ўсиш суратига оид маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Тузкон кўлидаги *Rutilus aralensis*нинг узунлик ва оғирлик кўрсаткичлари

Ёши	<i>l, см</i>	<i>W, г</i>	<i>N</i>
1+	9,5-17,2	10,2-80,0	6
2+	13,0-17,5	45,8-102,6	11
3+	16,5-18,7	80,8-110	3
4+	20,4-23,5	175,0-285,9	6

Дехконова Д.Р., Камилов Б.Г., Юлдашов М.А. Оценка состояния стада судака, <i>Sander lucioperca</i> , Айдар-арнасайской системы озёр Узбекистана	206
Мирзаев У.Т., Азизов Н.Я. Айдаркўл кўли оқ сила (<i>Sander lucioperca</i>) балигининг морфологик хусусиятлари	207
Миқимов М.А. Farg‘ona vodiysi suv havzalaridagi koreya qirraqorini (<i>Hemiculter leucisculus</i>) va ko‘zli taxirbaliq (<i>Rhodeus ocellatus</i>)ning biologik ko‘rsatkichlari	211
Намозов С.М. Морфологическая изменчивость аральской плотвы (<i>Rutilus aralensis</i> , Berg, 1916) из оз. Восточный Арнасай.....	213
Собиров Ж.Ж., Намозов С.М. Темп роста аральской плотвы в Айдар-Арнасайской системы озёр	217
Титова Н.О., Лебедева Н.И., Мустафаева З.А. Биоразнообразие зимнего макрозообентоса реки Чирчик.....	219
Шамсиев Н.А., Мирзаев У.Т. Оёқоғитма кўли ихтиофаунасининг шаклланиши	223
Қуватов А.Қ., Намозов С.М. Тузкон кўлида орол чавоқбалигининг экологик хусусиятлари..	226

ҚУРУҚЛИК УМУРТҚАЛИ ҲАЙВОНЛАРИ ФАУНАСИ, ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ, РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Dehqonov Sh.I. Besh-Orol qo‘riqxonasida ko‘k sug‘urning (<i>Marmota menzbieri</i> Kaschkarov, 1925) soniga doir ma’lumotlar	229
Кашкаров О.Р. Влияние температурного фактора на характер пребывания и распределение кречётки <i>Chettusia gregaria</i> на осенней миграционной остановке на водохранилище Талимаржан	231
Кашкаров Р.Д., Азимов Н.Н., Умаров С.С. К зимней орнитофауне озера Калгансыр (Сырдарьинская область, Узбекистан).....	236
Мармазинская Н.В. Среднеазиатская выдра в Зарафшанском национальном природном парке	239
Мармазинская Н.В., Азимов Н.Н. Находка гнездящейся популяции бурого голубя в дельте реки Амударья	243
Митропольская Ю.О. Фауна экономически значимых млекопитающих Сырдарьинской и Джизакской областей.....	245
Собиров Х.Ф., Кучбоев А.Э. <i>Gazella subgutturosa</i> (жайрон) турининг митохондриял ДНК CytB гени бўйича тавсифи	250
Фундукчиев С.Э., Урунова М. Распространение и биология черного дрозда в условиях города Самарканда	254
Ганиев Б.Н. Чотқол давлат биосфера қўриқхонасининг ёзги орнитофаунаси	258